



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 250 (18.727)

Сешанба, 1983 йил 1 ноябрь

Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-

тетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович РАШИДОВ 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, Ўзбекистонда партия ва совет давлатининг атоқли ташкилотчиси, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий

Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович РАШИДОВ 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этганлигини республика коммунистларига, барча меҳнаткашларига чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВ

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Шароф Рашидович Рашидов 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Шароф Рашидович Рашидов ўзининг бутун ҳаётини коммунизм қурилиши улур ишига бағишлади.

Шароф Рашидович Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Ўзбекистон ССРнинг Жиззах шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У 1939 йилдан буён КПСС аъзоси эди. Самарқанд давлат университетини ва ВКП(б) Марказий Комитети ҳузурдаги Олий партия мактабини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1935 йилда ўқитувчиликдан бошлади. Бир неча йиллар мобайнида журналистика ишида бўлди. У 1941 йилнинг августидан бошлаб комсомол ишида ва Совет Армиясида партия ишида бўлди, немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда қатнашди. 1943 йилда оғир жараҳатлангандан кейин Совет Армиясидан қайтиб, Самарқанд область газетасида редактор бўлиб ишлади. 1944 йилда у Самарқанд область партия комитетининг секретари этиб сайланди. 1947 йилдан бошлаб республика «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори, кейинчалик эса Ўзбекистон

Езувчилар союзи правлиесининг раиси бўлди. Ш. Р. Рашидов 1950 йилдан 1959 йилгача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва 1960 йилгача СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, 1970 йилдан буён СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси эди.

Ш. Р. Рашидов 1959 йилнинг мартидан умрининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлади. Партиянинг XX съездида Марказий Комитет аъзолигига кандидат этиб, XXII—XXVI съездларида эса КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1961 йилдан 1966 йилгача КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, 1966 йил апрелдан эса КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат бўлди. Ш. Р. Рашидов III—X қақриқ СССР Олий Советининг депутати эди.

Ш. Р. Рашидов партия, давлат ва жамоат фаолиятининг барча соҳаларида коммунизм ишига чексиз садоқат, партия сиёсатини амалга оширишда ирода ва қатъият кўрсатиб келди. Янгиликни ҳис этиш, партия ва давлат турмушига доир масалаларни ижодий ҳал этиш, кишиларни жипслатириш ва уюштириш маҳорати унга хос фазилатлар эди. У қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, ўзининг бутун бой ҳаётини тажрибасини, ташки-

лотчилик истеъдодини республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга бағишлади. Шу йиллар мобайнида Ўзбекистон ССРда қудратли ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциални вужудга келтирилди, саноатнинг янги тармоқлари ривожлантирилди, қишлоқ хўжалиги йирик, механизациялаштирилган тармоқ бўлиб қолди. Ўзбекистон мамлакатининг асосий пахтачилик базасига айланди.

Шароф Рашидович Рашидов — таниқли совет ёзувчиси ва публицистидир. Бир қанча романлар, повестлар, адабиётнинг, интернационал тарбия ва халқлар дўстлигининг актуал масалаларига доир назарий асарлар унинг қаламига мансубдир. У СССР Езувчилар союзининг аъзоси эди.

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун Ш. Р. Рашидовга икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилган. У кўпгина давлат мукофотлари: Ленин орденлари, Октябр Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, «Хурмат Белгиси» орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

Коммунистик партия батан совет халқининг содиқ фарзанди, оташин ваганларвар ва интернационалист Шароф Рашидович Рашидовнинг порлок хотираси совет кишиларининг қалбларида ҳамisha сақланиб қолади.

Ю. В. АНДРОПОВ, Г. А. АЛИЕВ, М. С. ГОРБАЧЕВ, В. В. ГРИШИН, А. А. ГРОМИКО, Д. А. КУНАЕВ, Г. В. РОМАНОВ, Н. А. ТИХОНОВ, Д. Ф. УСТИНОВ, К. У. ЧЕРНЕНКО, В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ, В. И. ВОРОТНИКОВ, П. Н. ДЕМICHEв, В. И. ДОЛГИХ, В. В. КУЗНЕЦОВ, Б. Н. ПОНОМАРЕВ, М. С. СОЛОМЕНЦЕВ, Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ, М. В. ЗИМЯНИН, И. В. КАПИТОНОВ, К. В. РУСАКОВ, Н. И. РИЖКОВ, Т. Н. МЕНТЕШАШВИЛИ, Е. АЙТУРУТОВ, И. Г. АНИСИМКИН, Ю. П. МАКСИМОВ, В. К. МИХАЙЛОВ, М. М. МУСАХОНОВ, Т. Н. ОСЕТРОВ, О. У. САЛИМОВ, И. Б. УСМОНХУЖАЕВ, Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Қ. КАМОЛОВ, Н. М. МАХМУДОВА, У. УМАРОВ, Р. АШУРАЛИЕВ, Р. Ф. ГОЙИПОВ, В. П. ЕСИН, Н. М. КАМОЛОВ, А. КАРИМОВ, А. К. КАРИМОВ, С. МАМАРУДУЛОВ, Ҳ. УМАРОВ, В. А. ХАЙДУРОВ, М. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Ҳ. А. ШОҒАЗАТОВ, Г. М. МАРКОВ, О. С. СОДИҚОВ, Х. РУСТАМОВА, Н. П. ЖЕЛЕЗНОВ, Ж. ЮСУПОВ, С. О. АЗИМОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилдилар: КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович Рашидовни дафн этишни уюштирувчи

Рашидовни дафн этишни уюштириш учун И. Б. Усмонхўжаев (раис), Е. А. Айтмуруттов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мухомонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Махмудова, У. У. Умаров, С. О. Азимов, В. А. Головин, Н. М. Железнов, Н. И. Нороҳимов, С. О. Паршин, Х. Рустамова, О. С. Содиқов, Ҳ. А. Шоғазатовдан иборат ҳукумат комиссияси тузилсин.

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

Шароф Рашидович Рашидов жасади солинган тубут В. И. Ленин номи СССР халқлар дўстлиги саройига қўйилади.

Марҳум билан видолашув 1 ноябрь соат 10 дан 19.00 гача ва 2 ноябрь соат 9 дан соат 12 гача бўлади. Дафн этиш маросими 2 ноябрь соат 14 да бўлади.

Шароф Рашидович РАШИДОВнинг касаллиги ва вафотининг сабаби тўғрисида МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

Ш. Р. Рашидов 1917 йилда туғилган, юракнинг ишемия касаллиги, юрак томирларининг атеросклерози, инфарктдан кейинги кардиосклероз дардига чалинган. 1983 йил 30 октябрь ку-

ни соат 19 да бирдан жакоррий тарққ мионард инфаркти бошланди. Натияжада юрак фаолияти кескин бузилди ва 31 октябрь кунин эрталаб соат 5 да юрак уришдан тўхтади.

- Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузурдаги 4-бош бошқарма бошлиғи А. С. БОТИРБЕКОВ
- Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Р. А. КАЛЕНОВИЧ
- Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор К. И. ЙУЛДОШЕВ
- Даволоччи врач Б. П. НАУМОВ.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ПЛАНИ БАЖАРДИ

Хоразм областининг деҳқонлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига конкрет ишлар билан жавоб қайтариб, мислсиз қийинчиликларни бартараф этиб, пахтадан мўл ҳосил этиштирдилар, унн уюшқоқлик билан йиғиб-териб олдилар ва давлатга пахта сотиш планини республика областлари орасида биринчи бўлиб мuddатидан илгари бажардилар. Богот, Урганч, Хазорасп, Шовот ва Янгиариқ районларининг хўжаликлари пахта териш ва тайёрлаш ишларини юксак суратлар билан олиб бормоқдалар.

Областининг барча районлари бу талабга муносиб ҳисса қўшдилар. Гурлан, Хонқа, Хива, Қўшқўйр, Янгибозор районларининг меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар этиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ва Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбуриятларни адо этиш учун курашмоқдалар. Богот, Урганч, Хазорасп, Шовот ва Янгиариқ районларининг хўжаликлари пахта териш ва тайёрлаш ишларини юксак суратлар билан олиб бормоқдалар.

Хонқа районидagi Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз, Богот районидagi Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз, Гурлан районидagi «Коммунизм» ва «Коммуна», Қўшқўйр районидagi Ленин номли ва «Ленинград», Урганч районидagi Охунбобоев номли, Хазорасп районидagi Жданов номли, Хива районидagi Фрунзе номли ва Беруний номли, Янгиариқ районидagi Киров номли ва Янгибозор районидagi «Ленинизм» колхозларининг пахтакорлари мўл ҳосил миришкорлари номини яна оқдиладар ва гектар бошига 42—47 центнердан пахта олдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати С. Худойкулиев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари З. Қурбонов, В. Махмудов, М. Мавлонов, О. Дўсова, У. Нуруллаева, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ҳ. Саидов, шунингдек, Гурлан районидagi «Коммунизм» колхозидан А. Матқаримов, Урганч районидagi Охунбобоев номли колхоздан Р. Бобожоно, Янгиариқ районидagi Киров номли колхоздан Р. Отажонов, Янгибозор районидagi «Ленинизм» колхозидан К. Тожинов раҳбарлик қилётган бригада коллективлари ажойиб натижаларга эришдилар. Улар ҳозирдаёқ гектар бошига 45—50 центнердан ҳосил кўтариб, бу йил 60 центнерлик марағга эришиш учун мусобақалашмоқдалар.

Механизаторлар меҳнат талабасига салмоқли ҳисса қўшдилар. С. Раҳимов, Б. Собиров, М. Собиров, Г. Полванова, Р. Хайитбоев, К. Машарипов, М. Матқубов каби ва бошқа кўпгина меҳнатқўйиладарлар 250—300 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб бердилар. Пахтанин сифати анча ошди. Область пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари 50 минг тонна пахта топиришига қарор қилдилар. Қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик учинчи йилни яхши кўрсаткичлар билан тугалламоқдалар. Давлат оғборларига 94 минг тонна дон тўкилди. Давлатга сазваот, кертюшка, полза махсулотлари, мева, узум ва нилла сотиш топириқлари ошириб бажарилиди. Чорвачилик махсулотлари ўтган йилга нисбатан илдам суръатлар билан тайёрланмоқда.

Область партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари аниқ мақсадни қўлаб ташкилотчилик ишларини олиб бораганини, пахтакорлар, барча қишлоқ хўжалик ходимларининг фидокорона меҳнати натижасида шундай муваффақиятга эришилди. Шаҳарлар ва район марказларидаги корхоналар ва муассасаларнинг коллективлари, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг ходимлари, ўқувчилар ва студентлар ҳосилни йиғиб-териб олиш ва тайёрлашда катта варад бердилар.

Ҳозир область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари йиғим-терим ишларини тезроқ ниҳосига етказиш ва 1983 йил мажбуриятларини бажариш учун сабот билан курашмоқдалар. Айни вақтда область хўжаликларини 1984 йилги ҳосилга замин тайёрлаш мақсадида кузги-кишки тадбирларининг бутун комплексини намунали адо этиш, чорва қишлоқини муваффақиятли ўтказиш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ўзқилил этилганлигининг 60 йиллигини анга-янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар.

ТЕЛЕТАИП ЛЕНТАСИДАН

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

- НЕВИННОМИССС Ставрополь ўлкасидаги Невинномисск «Азот» бирлашмасида дондор нарбакид ишлаб чиқарадиган ва ишга тушириладиган комплексда қурилиш-монтаж ишлари тугалланди. Улуғ Октябр шарафига олдинан мажбуриятлар мuddатидан илгари бажарилиди. Йилга 330 минг тонна ўғит ишлаб чиқарадиган янги корхона мuddатидан барвақт қуриб битказилди.
- КУЯБИШЕВ Беэенчук район марказида дон тозалайдиган улкан комплекс ишга тушди. Шу комплекснинг фойдаланишга топирилиши билан райондаги ҳамма хўжаликлар уруғлигини экинга тез ва сифатли тайёрлаш имкониятига эга бўлдилар. Олти минг тоннадан кўпроқ ҳар хил уруғлигини қайта ишлаб беришга мўлжалланган бу комплекс кунгабоқар ҳосилнинг дастлабки туркуминин қабул қилди. Бу — областда барпо этилган ана шундай тилдаги учинчи хўжаликларро корхонадир.

